

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

БЎКАЛИК ЧЕВАРЛАР – АСЛ МЕҲНАТСЕВАРЛАР

Янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, саноатни модернизациялаш орқали импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш мамлакатимизда иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилли ҳисобланади. Шу боис, ишлаб чиқариш корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, янги корхоналарни бунёд этишга Бўка туманида ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Кичик бизнес

Ана шундай корхоналардан бири "Бўстон барака чеварлари" масъулияти чекланган жамияти лизинг шартномасига асосан

"Maksmashtekstil" МЧЖ корхонаси бошқарувида фаолият юритмоқда. – Корхонамизда жами 150 нафар киши меҳнат



қилмоқда, – дейди жамият директори Мўминхўжа Муродов. – Уларнинг кучи билан ойда 1,5 миллиард сўмлик 50-60 минг дона болалар, 100 минг дона катталар трикотаж кийим-кечаклари тикилмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йил

нинг шу даврига нисбатан 2,5 баробарга кўпдир. Энг муҳими, мазкур савий-ҳаракатларимиз натижасида кўпгина ёшлар муқим иш ўринларига эга бўлишди. Қувонарлиси, туманда бундай иқтисодий барқарор

корхоналар тобора кўпаймоқда. Бунга жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи кўрсаткичларидан ҳам илғаб олишимиз мумкин.

Ўз мухбиримиз
Мансур ҲИММАТОВ
олган суратлар

Хушхабар

Бекобод шаҳрида онкология дори воситаларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Beta UBK International Private Limited" Ўзбекистон – Ҳиндистон қўшма фармацевтика корхонаси иш бошлади.

БЕКОБОДА ФАРМАЦЕВТИКА КОРХОНАСИ



– Касалликларни даволаш, уларнинг олдини олиш ҳамда асоратларини йўқотиш йўлида мазкур заводнинг очилиши катта аҳамиятга эга, – дейди шаҳар ҳокими Зафар Файзуллаев. – Айниқса, кўплаб малакали ва ёш мутахассисларни иш билан таъминлангани қувонарли бўлди. Шунингдек, дори ишлаб чиқарувчи хорижий мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш имконияти яратилди.

Ҳозирча Марказий Осиёда ягона ҳисобланган мазкур корхонада 60 турдан ортиқ дори воситалари ишлаб чиқарилади.

– Бугунги кунгача Ўзбекистонга онкология дори воситалари тўлиқ четдан импорт қилинар эди, – дейди қўшма корхонанинг Ҳиндистон томондан бош директори жаноб Рахул Батра. – Асосий мақсадимиз – маҳаллий ва импорт ўрнини босувчи онкология дори воситаларини ишлаб чиқариш ва аҳолига арзон нархларда етказиб бериш. Бошланғичи маҳсулотлар чет элдан келтирилатган дори воситаларига нисбатан 20-25 фоиз арзонроқ бўлади. Яқин келажакда, экспорт бозорига чиқиш ҳам режалаштирилган.

Тадбирда қатнашган соҳа мутахассислари корхона билан танишиб, ўзларининг эзгу тилаklarини билдиришди.

Маросимнинг бадиий қисмида ижрочи ёшлар ва "Томчилар" болалар ракс дастаси томонидан ўзбек ва ҳинд қўшиқ ҳамда рақслари ижро этилди.

Ўз мухбиримиз

Тошкент вилоятида 755 та нотураржой давлат ва жамият эҳтиёжлари учун олиниб, айни пайтга қадар 96 та мулк эгасига 40 миллиард 540 миллион сўмдан ортиқ компенсация пули тўлаб берилган.

Қолган 659 та нотураржой учун ҳисоблаган 146 миллиард сўмдан ортиқ компенсация пули эса ҳали тўлаб берилмаган.

Хўш, мулк эгаларига бу пуллар қачон берилди?

Компенсация пули 10 кунда тўлаб берилади



Матбуот анжумани

Нурафшон шаҳрида "Иқтисодий соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг Тошкент вилоятидаги ижроси: таҳлил ва натижалар" мавзусида бўлиб ўтган матбуот анжуманида бунга аниқлик киритилди.

Жумладан, вилоят ҳокимининг саноатни ривожлантириш, иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари О. Рустамов мазкур компенсация пуллари 10 кун муддатда тўлаб берилишини маълум қилди. Қайд этилишича, бюджетдан ажратилган 146 миллиард сўмдан ортиқ маблағ вилоятнинг тегишли ҳисоб рақамига тушириб берилган. Ушбу маблағ 10 кунда тегишли мулк эгаларига берилди.

Журналист ва блогерлар, вилоят, туман ва шаҳар иқтисодий мажмуаси мутасаддилари иштирок этган

анжуманда вилоятда тадбиркорлик, бандлик, пул-кредит, экспорт каби қатор йўналишлар фаолияти таҳлил қилинди.

Айни пайтда вилоятда қарийб 37 мингта тадбиркорлик субъектлари, 21 мингдан ортиқ яқка тартибдаги тадбиркор фаолият юритмоқда.

Шунингдек, 7 минг 150 дан ортиқ фаолият юритмаётган, мингдан ортиқ ўз аризасига кўра тугатилган корхона мавжуд. Жорий йилнинг ўтган даврида 3 минг 75 та фаолият кўрсатмаётган корхона фаолияти тикланиб, мазкур корхоналар томонидан 3 миллиард сўмдан ортиқ солиқ тўланган.

Шу даврда вилоят иқтисодиёт тармоқларига 261 миллион доллар инвестиция йўналтирилиб, модернизация ва янги ишлаб чиқариш

қувватларини ташкил этиш ҳисобига 10 мингга яқин янги иш ўрни яратилган.

Жорий йил вилоятда 30 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилиши режалаштирилган бўлиб, айни пайтга қадар 19 мингта янги иш ўрни яратилган. Шу билан бир қаторда, мингдан ортиқ тадбиркорлик субъекти фаолияти тугатилиши ҳисобига 7 минг иш ўрни ёпилган.

Халқаро молия институтлари кредит маблағи ҳисобидан 2018-2019 йилларда вилоятда 149 та лойиҳани амалга ошириш учун 108,6 миллион доллар кредит йўналтирилган. Айни пайтга қадар 76 лойиҳа учун 57,3 миллион доллар кредит ажратилган.

Авазбек ҲУДОЙҚУЛОВ
Мансур ҲИММАТОВ
олган суратлар

Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси томонидан амалга оширилаётган ишлар юрдошларимизнинг вақтини тежаш, турли оворагарчилик ва харажатларнинг олдини олиш имконини бермоқда.



22 туман ва шаҳар марказлари орқали жорий йилнинг ўтган 10 ойида 836 мингдан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилди. Шундан 13 мингдан ортиғи олис

ҳудудларга чиққан ҳолда амалга оширилган "мобиль давлат хизматлари" ҳиссасига тўғри келади. Бундай мақбул, қулай ва шаффоф услубларда кўрсатилаётган

хизматлар одамларнинг узогини яқин, оғирини енгил қилиш билан бирга, бюрократия ва коррупция ҳолатлари юзага келишининг олдини олишга, идоралараро электрон ҳамкорликни кенгайтиришга ҳам хизмат қилмоқда.

Ана шундай сайёр хизматлар Бўка ва Пискент туманларининг олис ҳудудларида ҳам ўтказилди. Сайёр хизматлар Туркиянинг ТИКА ташиқлоти ҳамкорлигида грантлар асосида келтирилган "мобиль офис" (Исузу)лар орқали амалга оширилди.

Сайёр хизматларнинг Бўка туманидаги манзили "Бўстон" маҳалласи бўлди. Маҳаллада 3 минг 200 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Деярли ҳар кун бирор бир юмуш билан Давлат хизматлари марказига боришга тўғри келади. Биргина маълумотнома олиш учун туман марказига бориб қайтиш маълумоти билан турган гап. Маҳалла аҳолиси учун барча давлат хизматлари шу ернинг ўзида қулай, тезкор ва шаффоф тарзда кўрсатилди.

Давоми 3-бетда

Сайлов – 2019



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда.

Газетамизнинг бугунги сонида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши номидан "Биргамиш! Қўлга қўлга берамиз!" ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши номидан "Сайловчи овози, халқимиз ишончи" сарлавҳали мақолалар чоп этилмоқда.

2-саҳифага қаранг

Ангренлик Исмоиловлар оиласи "Ибратли оила" республика кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллади

ҲАВАС ҚИЛИНГ, ИБРАТ ОЛИНГ!

Президентимизнинг 2018 йил 10 февралда қабул қилинган "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосан, мана икки йилдирки, мамлакатимизда "Ибратли оила" республика кўрик-танловини ўтказиш аънаънага айланди.

"Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ва ҳамкор ташкилотлар томонидан мазкур танловни ўтказишдан мақсад – оилаларни мустаҳкамлаш, оилавий қадриятларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, намунали оилаларнинг ҳаётий тажрибаларини омалаштириш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини ошириш, "Соғлом оила – соғлом жамият" концептуал ғоясини ҳаётга татбиқ этишдир.

"Кўринг, ҳавас қилинг, ибрат олинг!" шиори остида ўтган бу йилги танловнинг республика босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри

ва вилоятларда ўтказилган ҳудудий босқичларда сараланган энг ибратли оилалар иштирок этиб, 14 та номинация бўйича беллашишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар танловнинг оилавий қадриятларни ривожлантиришдаги аҳамияти ҳақида тўхталиб, "Ибратли оилаларнинг соҳиб ва соҳибалари мамлакатимизда оилалар мустаҳкамлиги ва барқарорлигини таъминлаш, замонавий, намунали оилаларни ривожлантиришда яқин кўмақчимиз ва маслаҳатгўйимиз бўлишди", дея ишонч билдиришди.

Давоми 4-бетда



САЙЁР ХИЗМАТДАН АҲОЛИ МАМНУН

Хизматлар одамларнинг узогини яқин, оғирини енгил қилиш билан бирга, бюрократия ва коррупция ҳолатлари юзага келишининг олдини олишга, идоралараро электрон ҳамкорликни кенгайтиришга ҳам хизмат қилмоқда.

Ана шундай сайёр хизматлар Бўка ва Пискент туманларининг олис ҳудудларида ҳам ўтказилди. Сайёр хизматлар Туркиянинг ТИКА ташиқлоти ҳамкорлигида грантлар асосида келтирилган "мобиль офис" (Исузу)лар орқали амалга оширилди.

Сайёр хизматларнинг Бўка туманидаги манзили "Бўстон" маҳалласи бўлди. Маҳаллада 3 минг 200 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Деярли ҳар кун бирор бир юмуш билан Давлат хизматлари марказига боришга тўғри келади. Биргина маълумотнома олиш учун туман марказига бориб қайтиш маълумоти билан турган гап. Маҳалла аҳолиси учун барча давлат хизматлари шу ернинг ўзида қулай, тезкор ва шаффоф тарзда кўрсатилди.

Давоми 3-бетда

Янги Ўзбекистон — янги сайловлар!



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг бош мақсади — миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, барқарор миллий ривожланишни таъминлаш, мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий, гуманитар ҳаётининг барча соҳаларида миллий манфаатларни ҳимоялаш ва илгари суриш, миллий, маданий ва маънавий қадриятларни, бой тарихий меросимиз, Ўзбекистон халқининг урф-одат ва анъаналарини асраб-авайлаш ва кўпайтиришдан иборат.

«БИРГАМИЗ!

ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРАМИЗ!»

Мазкур шиор остида янада улугвор ишларга бел боғлаганмиз!

Айни кунда вилоятимизда партияимизнинг аъзолари сони жами 20 минг 881 кишидан иборат. Уларнинг 10 минг 185 нафарини хотин-қизлар, 10 минг 771 нафарини эса ёшлар ташкил этади. Ҳозирги кунда ЎзМТДП Тошкент вилояти туман ва шаҳар Кенгашлари қошида турли ташкилот, корхона ва муассасаларда жами 429 та бошланғич партия ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда Халқ депутатлари вилоят Кенгашида 6 нафар, шаҳар ва туман Кенгашларида эса 70 нафар партияимиз депутатлари фаолият олиб бормоқда.

Биз ҳар кун, таъбир жоиз бўлса, ҳар дақиқада аъзоларимиз сони ортиб боришига интиламиз. Бу, албатта, ўз-ўзидан бўлмайди. Бугун одамлар партияларнинг баландпарвоз ғоя ва шиорларига қараб эмас, амалда бажараётган ишларига қараб баҳо бераёпти, сафига қўшилишга интилади. Шу боис, биз сайловларда кўпроқ овоз олиш учун тарғиботларимизда ўтган йиллар давомида қандай амалий ишларни бажарганимизни таъкидлаётимиз.

Ўтган беш йил мобайнида вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларида ЎзМТДП гуруҳи аъзолари ташаббуси билан 1 минг 935 та депутатлик сўровлари юборилган. Улардан 455 таси қонун, фармон ва қарорларнинг ижросига оид бўлиб, 1 минг 480 таси фуқароларнинг муноajatлари асосида ҳал этилган шикоятлардир. Ўтган даврда 233 та мансабдор шахснинг ҳисоботи эшитилиб, 146 та маҳаллий кенгашдаги доимий комиссиялар ййгилишлари кун тартибига олиб чиқилган. Маҳаллий кенгашлар сессияларида жами 72 та масала кўрилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган.

Энди юқорида келтирилган рақамлардан амалий ишлар сарҳисобига ўтадиган бўлсак, 2014-2015 йиллар давомида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши ва Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи ҳамкорликда партия Сайловолди дастури, Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарор ва фармонларнинг ижросини таъминлаш бора-сида вилоятимизда амалга оширилган ишлар бўйича йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этишга оид маълумотлар ўрганиб чиқилди. Хулосалар вилоят Кенгаши сессияларида тақдим этилди. Жумладан, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 2015 йил 3 ноябрдаги 5-сессиясида Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссия раиси Мунира Қориеваннинг "Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги ҳисоботи тингланди. "Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижроси юзасидан Чирчиқ шаҳри, Қибрай ва Зангиота туманлари ҳокимликларини томонидан амалга оширилган ишлар етарли эмас деб топилди. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 2015 йил 3 ноябрдаги 5-сессиясининг қарори қабул қилинди. Мазкур сессияда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссия раиси ўринбосари Марҳаб Курбоновнинг "Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилар ўртасида дарсга қатнашиш, вояга етмагунларда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳамда эрта никоҳларнинг олдини олиш юзасидан амалга оширилган ишлар мониторингини натижалари тўғрисида"ги ҳисоботи тингланиб, тегишли қарор қабул қилинди. 2016 йилда "Оммавий жамоат ҳойлари, ОАВда ўзбек адабий тили меъёри ва қондаларига амал қилиниши ҳолати тўғрисида"ги масала вилоят миқёсида кенг ўрганилди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, Давлат тили мақомига эга бўлган она тилимизга ҳурмат партияимизнинг ҳамisha диққат марказида бўлиб келган. Бу масала илк мартабада 2016 йил 15 мартда бўлиб ўтган вилоят Кенгашининг XI сессияси кун тартибига киритилиб, қарор қабул қилинди. Шу масала бўйича яна 8 та шаҳар ва туманда, маҳаллий нашрларда, айниқса, кўчаларда, ҳибобналарда, реклама ва эълонларда, давлат ташкилотлари, турли хусусий кор-



хоналар эшиқларига ёзилган пешлавларда Ўзбек тилининг имло қоидалари кўпол равишда бузилганлиги аниқланиб, маҳаллий Кенгашлар сессияларига киритилди.

Вилоятимизнинг туристик салоҳиятидан келиб чиқиб, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши, туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларига бир қатор масалалар киритилди. Бу борада вилоятимизда самарали натижаларга эришдик. Жумладан, 2018 йилнинг 20 сентябрь — 25 октябрь кунлари оралиғида ҳудудий ва маҳаллий ишчи гуруҳ аъзолари билан биргаликда вилоятдаги жами 562 та маданий мерос объектлари ўрганилиб, 10 та маҳаллий Кенгаш сессияларига масалалар киритилди.

Президентимиз томонидан жорий йил 5 январда қабул қилинган "Туризм тармоғини ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарор ижросини таъминлаш мақсадида йил давомида вилоятимизда жами 15 та меҳмонхона ишга туширилиши керак эди. Бироқ, амалда шу кунгача бу меҳмонхоналар тўлиқ фаолият кўрсатмапти. Партияимизнинг вилоят Кенгаши ва Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи мазкур қарорнинг жойлардаги ижросини ўрганиб, жорий йил 7 сентябрь кун бўлиб ўтган навбатдаги сессия кун тартибига киритиб, тегишли қарор қабул қилди.

Шунингдек, китоб ва китобхонликка эътибор қаратиш партияимиз Сайловолди дастурида ҳам алоҳида ўрин эгаллаган. Вилоятимиздаги кутубхоналар, китобхоналарга яратилган шарт-шароитлар ҳудудлар кесимида, ҳар бир шаҳар ва туманда ўрганилди. Хусусан, "Турон" вилоят кутубхонасини вилоятимиз маркази — Нурафшон шаҳрига қўйиш, шунингдек, бугунги кунда кутубхона фондида сақланиб келинаётган энг нодир нашрлар ва 400 га яқин қўлёзмалар учун замонавий бино ажратилишини таъминлаш масаласи 2018 йил 18 августдаги вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясида кўриб чиқилди ва қарор қабул қилинди.

Шу ўринда туман ва шаҳар Кенгашларида депутат деган шарафли номга муносиб амалий ишларни бажарган фидойиларимизни алоҳида айтиб ўтиш жоиздир. 2017 йилда Президентимизнинг вилоятимизга ташрифи чоғида бўлиб ўтган видеоселектор ййгилишида Халқ депутатлари Бекобод шаҳар кенгаши депутати Мухаммади Сангинов йиллар давомида бекободликларни қийнаб келган ичимлик суви ва йўллар билан боғлиқ масалани кўтарди. Натижада, аҳолига қулай бўлган йўл қурилди ва темирйўл хавфсизлиги чоралари кўрилди. "Обод маҳалла" лойиҳаси доирасида маҳаллалар бугунги кунда обод ва гўзал кўринишга эга бўлди.

Иккинчи ярим йилликда партияимиз дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, вилоятимизда миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар, амалга оширилаётган ишларни ўрганиш бошланди. Мақсади — шу соҳага мутасадди бўлган раҳбарлар билан ҳамкорликда катта ютуқ ва натижаларни қўлга киритиш.

Кези келганда яна бир муҳим гапни айтмасак бўлмайди. Биз фахрланидиган миллий анъаналар ва қадриятларимизни сақлаб қолиш тарафдорлари бўлган инсонлар манфаатларини ҳимоя қилишни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйганмиз. Бундай шахслар — партияимиз асосий ижтимоий қатламидир. Партияимиз миллий қадриятларни тиклаш, ўзлигини англаш, миллий ғояларни шакллантириш ва миллий мустақиллик мафкурасини мустаҳкамлаш, халқнинг маънавий ҳаётида диний анъаналарни тиклаш каби хайрли ишларни изчил, босқичма-босқич ва тизимли равишда давом эттириш тарафдоридир.

Барчамиз "Биргамиз! Қўлни қўлга берамиз!", деган шиор остида янада улугвор ишларга бел боғлаганмиз. Ишонтириб айтаемиз, сайловларда номзодларимизга овоз берсангиз — партияимиз, сайланадиган депутатларимиз халқимиз бахту саодати, давлатимиз равнақи учун доим фаол бўлишад.

Маҳмуд НАЗАРОВ,
Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши раиси



Бугунги куннинг энг муҳим мавзуси шубҳасиз, сайлов билан боғлиқдир. Фикримни баён қилишдан олдин, айтишни истардимки, бугун кечаги кун эмас, эрта эса бугун бўлмайди. Ўзгариш, янгиланиш, янги давр бошланган экан, бизнинг томошани бўлишга ҳаққимиз йўқ. Сиёсий партиялар ана шу жараёнда бирга қайнаши, қадам ташлаши зарур. Зеро, айни пайтда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари юзасидан сиёсий партияларнинг нуқтаи назари, позицияси тобора мустаҳкамланаяпти. Уларнинг дастурларида жамият ҳаётининг муҳим масалалари акс этаёпти. Асосийси, сиёсий партиялар вакиллик органларида кўпроқ ўринини қўлга киритиш, шу орқали ўз ғояларини амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг стратегик вазифаларини ҳал этишда сезиларли таъсир кучига эга бўлиб бормоқда. Шунинг учун ҳам сайловда ҳар бир сиёсий партия сайловчилар, аввало, халқ олдига ўта муҳим масъулиятли имтиҳондан ўтади. Айниқса, бу йилги сайловлардан халқимизнинг умиди катта. Парламент депутатлигига интилаётган номзодларга ҳам талаб жуда юқори.

САЙЛОВЧИ ОВОЗИ, ХАЛҚИМИЗ ИШОНЧИ

эзгу ғояларимиз рўёби учун асосдир

Сир эмаски, кўрсатилган номзодлар партия номидан сайловда депутатликка номзод бўлиши қўллаб-қувватланди. Эндиги муҳим вазифа партияимиз Сайловолди дастури, депутатликка номзодлар илгари сураётган дастурлар тарғиботини кучайтиришдан иборат. Эътибор беришимиз керак бўлган энг муҳим масала — аҳоли турмуш фаровонлигини оширишдир. Бунинг учун, аввало, уларнинг бандлигини таъминлаш талаб этилади. Шу билан бирга, кучли ижтимоий сиёсатга асосланган иқтисодий ислохотларни давом эттириш масаласини ҳам унутмаслик зарур. Негаки, бу партияимиз Сайловолди дастурининг асосини ташкил этади. Ижтимоий ҳимоя масаласи тўлиқ ечим топмас экан, биз илгари сураётган учта асосий ғоя, яъни тенглик, адолат ва бирдамлик ҳам амалга ошмаслиги турган гап. Зеро, жамиятда тенглик ва адолат ўрнатилмай туриб, бирдамлик, фаровонлик ҳақида гапириш мумкин эмас.

Бунинг учун табиийки, партияимиз Сайловолди дастурини ҳар томонлама пишиқ ва пухта тайёрлаш, аҳолини ўйлантириб келаётган муаммолар ечимини бўйича долзарб тақлифларни илгари суришга устувор вазифа сифатида ёндашилди. Дастурда муҳим аҳамиятга эга ижтимоий муаммолар қамраб олинмоқда.

Мисол учун, кам таъминланганлик даражасини белгилловчи мезонларни такомиллаштиришга эътибор қаратилди. Чунки, бу борадаги тартиб-таомиллардаги ноаниқлик боис турли муаммолар юзага келмоқда. Ижтимоий нафақаларни белгилаш ва моддий ёрдам кўрсатишда тушунмовчиликни келтириб чиқараяпти. Партияимиз мазкур масалада халқро амалиётни ўрганиш, яшаш минимуми ва истеъмол саватчаси билан боғлиқ меъёrlарни қонунийликда мустаҳкамлаш устувор вазифа, деб баҳолаяпти. Зотан, Конституцияимизнинг 39-моддасида белгиланган, лекин йиллар давомида амалга ошмай келаётган "тирикчилик учун зарур бўлган энг кам миқдор"ни белгилашни ортқ кечиктириб бўлмайди. Бу юртимиздаги миллионлаб инсонларнинг энг муҳим ҳаётий эҳтиёжларини қондиришда алоҳида аҳамият касб этади. Айтиш мумкинки, бу партияимиз учун энг долзарб ва принципиал масаладир.

Тошкент вилояти мисолида оладиган бўлсак, ўтган қаҳриқда 16 нафар вилоят, 202 нафар туман ва шаҳар кенгашларида депутатлар сайланган эди. Ўтган 5 йил давомида улар аҳолининг кам таъминланган қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш билан шуғулланиб келди. Ижтимоий ҳимоя масаласи устувор бўлган ҳолда, коммунал хизмат, тиббий хизмат сифатини яхшилаш, нархларни мақбуллаштириш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўсиксиз ҳаракатланиши учун шароитлар яратиш ҳақида ташаббуслар билан чиқди. Юртимиз бўйлаб амалга оширилаётган ислохотлар, табиийки, вилоятимизни ҳам четлаб ўтмади. Бироқ, ҳамма жойда бўлгани каби бизда ҳам муаммолар оз эмас.

Депутатлар Кенгашларидаги у ёки бу доимий комиссия таркибига киритилган. Мазкур йўналишдаги депутатлик гуруҳимиз фаолиятининг бош мақсади — депутатлик назорати воситасида мамлакатимизда устувор ижтимоий масалалар бўйича қабул қилинган қонун ва қарорларнинг давлат бошқаруви ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан сўзсиз бажарилишига эришишдан иборат бўлмоқда.

Амалга оширилган ишларимиз хусусида гапирганимизда, бажарилиши керак бўлган вазифаларимиз кўп экани яққол кўзга ташланади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастуридаги устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича 2015-2019 йилларга мўлжалланган амалий Ҳара-

кат дастуридаги вазифалар ижроси Тошкент вилояти, туман (шаҳар) кенгашларида ҳам мунтазам таъминланмоқда. Жумладан, 2015-2019 йиллар давомида Ҳаракат дастури бўйича 113 масала депутатлик гуруҳларида, 92 масала доимий комиссияларда, 48 масала сессияларда муҳокама қилинган. Бундан ташқари, партия гуруҳларининг амалий иш режаларига мувофиқ, 187 масала депутатлик гуруҳларида, 68 масала доимий комиссияларда, 12 масала сессия кун тартибига киритилган.

Ҳар бир депутат томонидан ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиб бориш, ечимини кутаётган масалаларни ҳал этиш ҳамда фуқаролар муноajatлари юзасидан депутатлик сўрови институти изчил амалга оширилди. Ўзбекистон ХДП маҳаллий кенгашлари томонидан ташкил этилаётган кўча Жамоатчилик қабулхоналарига келиб тушган муноajatлар юзасидан партияимиз гуруҳлари аъзолари томонидан депутатлик сўровлари юбориш орқали ҳал этиш чоралари мунтазам кўриб борилди.

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ, Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашларидаги партияимиздан сайланган депутатларга 2015-2019 йиллар давомида вилоят Кенгашидан 576 сўров юборилган бўлиб, 81,4 фоизи ижобий ҳал этилган. Бу каби ишларни давом эттириш мумкин. Бироқ, асосийси, бундан кейин нима қиламиз, аҳолини яхшилаш, одамларнинг турмуш фаровонлигини ошириш борасида қандай чоралар кўрилади, деган савол атрофида бош қотиришимиз керак.

Хусусан, ижтимоий объектлар, мактаб, мактаб-гача таълим муассасалари, коллеж ва лицейлар шароитини зўр, деб бўлмайди. Айниқса, ногиронлиги бўлган ўқувчиларнинг эмин-эркин дарсга қатнаши, компьютер технологияларидан, адабиётлар ва дарсликлардан бемалол фойдаланиши учун имконият етарли эмас. Уларнинг аксарияти кимнингдир ҳамроҳлигида дарсга қатнайди ёки уйда ўқитилади. Ваҳоланки, уйда берилаётган билим билан ўқув муассасасидаги дарснинг фарқи катта. Инклюзив таълим масаласида ечимини кутаётган муаммолар ҳам ҳамisha эътиборимиз марказида бўлади. Қишлоқ оилавий поликлиникалари, шифохоналар, дорихоналардаги муаммоларни ўрганиш, коммунал хизматлардаги камчиликларни бартараф этиш чораларини кўришни режалаштираямиз.

Ҳозирги кунда вилоятимизда партияимизнинг 39 минг 150 нафар аъзоси бор. Бу рақам кун сайин ортиб бораётгани эса қувонарли ҳолдир. Аъзоларимизнинг 19 минг 580 нафари хотин-қизлар бўлса, 13 минг 29 нафарини ёшлар ташкил этади. Ййгит-қизларнинг ижтимоий-сиёсий билимлари ортиб, ҳуқуқий саводхонлиги бойиб бормоқда. Натижада, сафаримиз ёшлар билан янада кенгаймоқда. Бугунги авлод интилувчан, изланувчан, ақл-заковати, дунёқараш кенг бўлиб улғаймоқда. Уларни ҳар томонлама қомил инсон сифатида тарбиялаш муҳим масала саналади. Партияимизнинг ёшлар билан ишлаш бўлими бу йўлда самарали сайёҳаракатлар олиб бормоқда. Келгусида бу ишларни янада жадаллаштириб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафини кенгайтириб борамиз.

Партияимиз дастурида бу каби муҳим, ижтимоий аҳамияти юқори бўлган яна қатор масалалар қамраб олинган. Биз айни шу жиҳатимиз билан бошқа партиялардан устунлик қиламиз. Галдаги устувор вазифа эса уларни амалиётга татбиқ этишдан иборат. Бунинг учун сайловда етарли овоз ҳамда ўринга эга бўлмоғимиз лозим.

Сайёра ФАЙЗИЕВА,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши раиси

– Давлат хизматлари кўрсатиш борасида аҳоли учун қўллаб қўлайликлар яратилмоқда, – дейди "Бўстон" маҳалласида истиқомат қилувчи Юнусхон Балиев. – Марказ ходимларининг тез-тез қишлоқ ва маҳаллаларга чиқиби, шу жойнинг ўзида сайёр хизмат кўрсатаётгани айтиш мумкин бўлмоқда. Қадарли иши бўйича муҳожа-



□ Жараён

САЙЁР ХИЗМАТДАН АҲОЛИ МАМНУН



ат қилдим. Ишим бу қадар тез битади, деб ўйламаган эдим. Авваллари ҳужжатларни расмийлаштиришга кўп вақтимиз кетарди. Бундай ташрифлар мушкул-мизини осон қилмоқда.

Маҳалла раиси Абдуғофир Бекмуродовнинг маълум қилишича, сайёр хизмат домида юздан ортиқ аҳолининг муаммоси ҳал бўлди.

Сайёр хизмат кўрсатишнинг навбатдаги манзили Пискент тумани "Ғайрат" маҳалласи бўлди. 318 хонадонда 1 минг 618 нафар аҳоли истиқомат қилаётган

◀ Бошланғич 1-бета

маҳалла аҳолининг ҳам давлат хизматларида бўлган талаби юқори. Кимдир тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказмоқчи, кимдир яққа тартибда уй-жой қуришга (реконструкция қилишга) рухсат олмақчи. Яна

кимдир фарзандини мактабга таълим муассасасига жойламоқчи ёки электр тизимига уланмоқчи. Шу кун кўпга фуқароларнинг муҳожаатлари қаноатлантирилди. – Давлат хизматлари маркази ходимлари маҳалламизга келиб, сайёр хизмат кўрсатар экан, деган хабарни эшитиб келдик, – дейди Шахло Орифжонов. – Сабаби, беморлиги туфайли ёки ишдан ортиб, марказга боришга фурсат топа олмаётган маҳалладошларимиз кўп. Ўзим 2014 йилда туғилган фарзандимни боғчага жойламоқчи эдим. Аризам қаноатлантирилиб, фарзан-

димга 2-мактабга таълим муассасасига йўлланма берилди.

Ширин Беликованинг муаммоси ҳам қисқа фурсатда ҳал этилди. Энди унинг қизи ҳам боғчага борадиган бўлди. Шунингдек, Туранбой Абдуллаев, Ўткир Ёдгоров, Аманкелди Кучкинбаевлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарори бўйича ариза топширилди. Тез орада уларнинг муаммоси ҳам ўз ечимини топди.

Шу кун маҳалладаги элликка яқин фуқарога давлат хизматлари кўрсатилди.

Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси матбуот хизмати
Аброр ЭСОНОВ
олган суратлар

□ Мавсум

Халқимизнинг "Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда" деган нақли бежиз айтилмаган. Чунки, ер оби-тобида ҳайдалса, нафақат тупроқ унумдорлиги ошади, балки қишлоқ тараддутида ер остига интилаётган зарар-

кунандалар ҳам қирилади. Ерга ҳайдовдан олдин минерал ва маҳаллий ўғитлар сочилса, қуввати янада ошади. Бу ҳар қандай уруғнинг ўз вақтида, бақувват, баравж ривожланишини таъминлайди.

КУЗГИ ШУДГОР – БОШҚАСИ БЕКОР

Жорий йилда вилоятимизда жами 73 минг гектар майдон шудгорланиши режалаштирилган. Ҳозирда 472 дона ҳайдов тракторлари бу жараёнга жалб этилган. Шудгорлаш ишларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида Агротехнопарк мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси вилоят бошқармаси томонидан кунлик мониторинг олиб борилмоқда.

Шу ўринда айтиш керакки, кузги-қишқи агротехник тадбирларни вилоятимизнинг тупроқлики шартларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш керак. Бунда ҳар бир агротехник тадбир, жумладан, шудгорлаш, ерларни текислаш, пушта олиш, чуқур ишлов бериш каби ишларни белгиланган меъёrlар асосида олиб бориш талаб этилади. Чунки, кузги шудгорнинг сифатли ўтказилиши келгуси йилда юқори ҳосилдорликка эришишга замин яра-



кг.Га ёки аммофос 200-250 кг.Га, калийли ўғитнинг 50-60 кг.Га (соф ҳолда калий 50-60 кг.Га ёки калий хлор ўғити 90-110 кг.Га) ҳамда маҳаллий ўғит (гўн 20-30 тонна ёки компост 30 т.Га миқдорда) солиш тавсия этилади.

Қолаверса, ерни ҳайдашда унинг чуқурлигига жиддий эътибор бериш керак. Яъни, у тупроқ-иқлим шароитлари, тупроқнинг унумдорлиги, қатламнинг чуқурлиги, механик таркиби, бегона ўт қай даражада босганлигига қараб табақалаштирилган ҳолда белгиланади.

Жумладан, вилоятимизнинг ҳайдалма қатлами қалин ерлари 35-40 см., оч тусли бўз тупроқлари 45 см. чуқурликда ағдариб ҳайдалади.

Устки қисми ярим метр чуқурликда гипс қатлами бўлган шўрланган ўлқок тупроқларда ва зич ҳайдов ости қаватли барча оғир тупроқли ерларда 45-50 см. чуқурликда юмшатилиб,

28-30 см. устки қатлами ағдариб ҳайдалади. Шудгорлашда ишлатиладиган плуглар, албатта, икки ярусли бўлиши мақсадга мувофиқ. Икки ярусли плуглар билан ер сифатли ҳайдалганда бегона ўтларнинг 50-60 фоизини йўқотишга эришилади.

Ерлар ўз муддатида, сифатли ва белгиланган чуқурликда ҳайдалганда кузги-қишқи мавсумда кузатиладиган ёгинлар ҳисобида тупроқда нам тушлаш ва сақлаб қолиш имконияти ошади. Шудгорланган далада ноте-кисликлар, марзалар ва излар кам бўлиб, юзаси текис бўлганлигига тупроқдаги намнинг буғланиш сатхи камаяди. Ўз вақтида шудгорланмаган майдонларда ер музлаб, сернам бўлиб қолса, тупроқни сифатли ҳайдаб бўлмайди ва кузги шудгорга қўйилган агротехник талаблар бажарилабди. Бу тупроқ структураси бузилиб, ҳосилдорлик кўтаришга 3,5 дан 7,5 центнергача камайишига олиб келади.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, бугун вилоятимиз далаларида олиб борилаётган шудгорлаш ишларида юқоридаги тавсия ва белгиланган талабларга амал қилишга аҳамият берилмоқда. Мақсадимиз – муҳим агротехник тадбирни ўз вақтида ва сифатли яқунлашдири. Зеро, бугунги ҳаракат – эртанги барака омилidir.

Шухрат ХУСНОВ,
Инспекциянинг вилоят бошқармаси бошлиғи

ТАДБИР ИШТИРОКЧИЛАРИ ШОШИБ ҚОЛИШДИ

Сарлавҳани бежиз бундай танламадик. Сабаби, Қибрай туманидаги "Бунёдкор" маҳалласида бир кунда ўтказилган тадбир одамлар дардига малҳам, муаммоларига ечим, ёшларга маърифат улашди.

"Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш инсонийликнинг энг олий мезонидир" мавзуда бўлиб ўтган тадбир Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент вилоятида-

ҳаракатланиш имконияти чекланганлар ўз уйида табибий кўрикдан ўтказилди. Қолаверса, аниқланган касалликлар бўйича "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди томонидан 274 миллион сўм миқдорида зарурий дори-дармон ва гигиеник воситалар бепул тақдим этилди. 5 фуқарога "Маҳалла" хай-



ги Халқ қабулхонаси, "Соғлом авлод учун" хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда туманининг "Наврўз", "Бобур", "Бойжигит", "Маърифат", "Тараққиёт", "Байқўрғон", "Истиқбол", "Геофизика" маҳаллалари аҳолиси ҳам иштирок этди.

Дастлаб аҳолини қийнаётган муаммоларни бартараф этиш мақсадида сайёр қабул ташкил этилди. Аҳоли вакиллари турли масалалар бўйича му-тасаддиларга муҳожаат қилишди. Биргина ижтимоий-иқтисодий масалалар таҳлилини олсак: бу бўйича 13 та муаммо жойида ижобий ҳал этилиб, 35 тасини қисқа муддатларда бартараф этиш юзасидан масъулларга зарур топшириқлар берилди.

Сайёр қабул билан бир пайтда табибий-қўриқ ҳам ташкил этилди. Қўриқ домида 146 нафар фуқаро ультратовушли текширувдан (УЗИ), 282 нафар фуқаро юрак-қон томир тизими текширувдан (ЭКГ) ўтди. 6 киши "Тез табибий ёрдам" хизмати орқали туман марказий шифохонасига стационар доволаниш учун ётказилди. 75 фуқаро касаллиги бўйича рўйхатга олиниб, режалар доволаниш учун туман табибий ёрдамга тавсия этилди. 135 кишига амбулатор доволаниш бўйича муолажа тавсия қилинди. 12 нафар

рия жамоат фонди томонидан ногиронлик арава-чалари тақдим этилди.

Шу кун вилоят ва туман бандликка қўмаклашиш марказлари томонидан бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам ўтказилди. Ярмаркада 18 нафар фуқарога ишга йўлланма берилди.

Шунингдек, тумандаги 26-Болалар мусиқа ва санъат мактабида йилгиланган маҳалла раислари ва масъул котибларига Тошкент давлат юридик институти профессор-ўқитувчилари Сайлов кодексининг мазмун-моҳияти, қонунчиликдаги янгиликлар ва ўзгаришлар ҳақида тушунчалар беришди. Муҳим сиёсий жараёнда сайловчиларнинг фаоллигини ошириш бўйича керакли тавсиялар берилди.

Бундан ташқари, ФВВ масъул ходимлари томонидан "Ис газидан заҳарланишнинг олдини олиш" бўйича ўқув-семинар ҳам ўтказилди.

25-мактабга қириб бурганимизда эса "Кексалар маърифати" мавзуда амалий машғулот дарси устидан чиқиш қолдик. Дарсда туман "Нуроний" жамғармаси раиси К. Авазматов ўқувчиларга ўзининг ҳаётий тажрибаси, китоб мутолаасининг аҳамияти, катталарга ҳурмат, бурчга садоқат ва ватанпарварлик туйғулари ҳақида сўзлаб берди.

Ўз мухбиримиз

Реклама ва эълонлар

"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

2019 йил 27 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига "Kuchlik Neft bazasi" МЧЖнинг 22.11.2019 йилдаги №07-6/1333-сонли буюртманомасига асосан "Kuchlik Neft bazasi" МЧЖ тасарруфига бўлган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Тошкент вилояти, Бўка туманининг: 1. "Самарқанд" МФЙ манзилида жойлашган "Туркстон" ФЭТШнинг бино-иншоотлари. Бошланғич баҳоси – 260 554 000 сўм. 2. "Кўкорол" МФЙ манзилида жойлашган "Кўкорол" ФЭТШнинг бино-иншоотлари. Бошланғич баҳоси – 304 080 000 сўм. 3. "Қўлдоштепа" МФЙ манзилида жойлашган "М. Улуғбек" ФЭТШнинг бино-иншоотлари. Бошланғич баҳоси – 139 369 000 сўм. 4. "Рамадон" МФЙ манзилида жойлашган "Т. Ражапов" ФЭТШнинг бино-иншоотлари. Бошланғич баҳоси: 159 998 000 сўм. 5. "Мирзабек" МФЙ манзилида жойлашган "Жамбул" ФЭТШнинг бино-иншоотлари. Бошланғич баҳоси – 263 933 000 сўм. 6. "Жағалбайли" МФЙ манзилида жойлашган "И. Ҳошимов" ФЭТШнинг бино-иншоотлари. Бошланғич баҳоси – 247 485 000 сўм. 7. "Паркент" МФЙ манзилида жойлашган "Паркент" ФЭТШнинг бино-иншоотлари. Бошланғич баҳоси – 239 818 000 сўм. 8. "Чавли-сой" МФЙ манзилида жойлашган "Дўстлик" ФЭТШнинг бино-иншоотлари. Бошланғич баҳоси – 155 804 000 сўм. 9. "Янгиобод" МФЙ манзилида жойлашган "О. Йўлдошев" ФЭТШнинг бино-иншоотлари. Бошланғич баҳоси – 234 364 000 сўм. 10. "Бўстон"

МФЙ манзилида жойлашган "Бўстон" ФЭТШнинг бино-иншоотлари. Бошланғич баҳоси – 189 004 000 сўм. 11. "Каттаровот" МФЙ манзилида жойлашган "М. Ўзбекистон" ФЭТШнинг бино-иншоотлари. Бошланғич баҳоси – 200 548 000 сўм. 12. "Ўжақўрғон" МФЙ манзилида жойлашган "Ўжақўрғон" ФЭТШнинг бино-иншоотлари. Бошланғич баҳоси – 199 842 000 сўм. 13. "Ровот" МФЙ манзилида жойлашган "Ровот" ФЭТШнинг бино-иншоотлари. Бошланғич баҳоси – 196 848 000 сўм. 14. Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Йик ота МФЙ манзилида жойлашган "Йик ота" ФЭТШнинг бино-иншоотлари. Бошланғич баҳоси – 228 140 000 сўм. 15. Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, "Дўстлик" МФЙ манзилида жойлашган "Шодмалик" ФЭТШнинг бино-иншоотлари. Бошланғич баҳоси – 211 101 000 сўм. 16. Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Ғазалкент ҚФЙ манзилида жойлашган "Бўстонлик" ФЭТШнинг бино-иншоотлари. Бошланғич баҳоси – 206 000 сўм. 17. Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, "Нанай" МФЙ манзилида жойлашган "Толиб Назар" ФЭТШнинг бино-иншоотлари. Бошланғич баҳоси – 282 439 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2019 йил 27 декабрь кунлари соат 11:00 да сотилмаган тақдирда, тақририй савдолар 2020 йил 13, 28 январь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан буюртмачи ташкилот вакиллари иштирокида бевосита манзилга чиқиш

танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини "CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ АТ "Xalqbank" Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000100757166001. МФО 01132. СТИР 304 802 952.

Талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси санатидан бириш иш куни олдин соат 16:00 да тўхтатилади. Савдо голибига аукцион савдоси натижалари бўйича голиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 5 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш мажбурияти юклатилади. Кўчмас мулк учун тўловларни амалга ошириш муддати олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белгиланади. Талабгор савдо голиби бўлган тақдирда, аукцион савдоси натижаласига асосан мулкнинг сотиб олиш қийматидан 1 фоиз миқдорда пул маблағини голиблик баённомаси имзоланган кундан бошлаб, 5 банк куни ичида савдо ташкилотчисининг ҳисоб рақамига ўтказиб бериш мажбуриятини олади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй. Тел: +998-71-236-25-53. www.capitaltrust.uz Лицензия RR – 0298.

"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

2019 йил 26 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига "Тошкент вилояти Дори-Дармон" акциядорлик жамиятининг 22.11.2019 йилдаги №469/01-сонли буюртманомасига асосан жамияти тасарруфига бўлган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳар, 1 микрорайон манзилида 0.2282 Га ер майдонида жойлашган, 321,16 кв.м.дан иборат қурилиш тугалланмаган бино ва иншоотлар. 12-сонли дорихонанинг бир қисми. Бошланғич баҳоси – 872 321 000 сўм. 2. Тошкент вилояти, Паркент тумани, Алишер Навоий шоҳқўчаси, 104-уй манзилида 150.70 кв.м. ер майдонида жойлашган, ишлаб чиқариш майдони 110.71 кв.м.дан иборат 9-сонли дорихонанинг бир қисми. Бошланғич баҳоси – 309 513 000 сўм. Кўчмас мулкларнинг бошланғич баҳоси ҚҚСни инобатга олган ҳолда белгиланган.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2019 йил 26 декабрь куни соат 11:00 да сотилмаган тақдирда,

тақририй савдолар 2020 йил 10, 27 январь, 12, 27 февраль ва 13, 30 март кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан буюртмачи ташкилот вакиллари иштирокида бевосита манзилга чиқиш танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари шарт:

– юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

– жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, унинг учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаш-

тирилган ишончнома, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

Аукцион савдоларида иштирок этувчи талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш расмий иш кунлари (шанба, якшанба ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан бир иш куни олдин соат 16:00 да тўхтатилади. Савдо голибига аукцион савдоси натижалари бўйича голиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаш мажбурияти юклатилади.

Закатал пулини тўлаш учун реkvизитлар: "CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ. АТ "Xalqbank" Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлими. Х/р: 20208000100757166001. МФО: 01132. СТИР: 304 802 952.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй. Телефон: +998 71 236-25-53. www.capitaltrust.uz. Лицензия RR – 0298.

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2019 йил 23 октябрдаги 85 (13242)-сонидан чоп этилган "Capital trust invest" МЧЖнинг эълонидаги аукцион савдолари Халқ банки Тошкент вилояти Зангиота тумани филиалининг 2019 йил 25 ноябрдаги 04-09/279-сонли хатига асосан, эълонда белгиланган тақририй савдо кунларида давом эттирилади.

САЛОМАТЛИК «ҚАЛЪА»СИ

Мамлакатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони асосан вилоятимиз шаҳар ва туманларида қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларни ташкил этиш орқали бирламчи тиббий-санитар ёрдам кўрсатиш тизими такомиллаштирилди ҳамда аҳолининг ушбу хизматлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди.

Тиббиёт

Қуйи Чирчиқ тумани "Пахтазор" фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган 31-сонли қишлоқ оилавий поликлиникаси биноси ҳам яқинда капитал таъмирдан чиқарилди.

Таъмирлаш ишлари учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 1 миллиард 800 миллион сўм маблағ ажратилди, – дейди поликлиника мудир Муҳиддин Раҳмонов. – Тўрт ой ичида иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш тизими тўлиқ қилинган, керамик плита ва сифатли ламинат билан қопланди. Бундан ташқари, замонавий сантехника буюмлари, майший техникалар, кузатув камералари, компьютер ва бошқа жиҳозлар келтирилди. Яратилган моддий-техник база ёрдамида йил охиригача барча аҳолини рўйхатлаштириб, бухгалтерия ҳисоботида доир ҳужжатларнинг электрон шаклини жорий этишимиз. Поликлиникамизда бир вақтнинг ўзида 250 киши амбулатор даволаниши учун

етарли шароитлар яратилган.

Поликлиниканинг кенг ва ёруғ хоналарини айланиб эканмиз, биринчи навбатда замонавий УЗИ, ЭКГ аппаратлари ва бошқа тиббий ускуналар эътиборимизни тортди. Шунингдек, шифо масканида, замон талабларига жавоб берадиган клиник ва биокимё лабораториялари ишга туширилган. Аҳолининг талабларидан келиб чиққан ҳолда тўрт кишига мўлжалланган кундузги стационарда беморлар муолажаларини олишмоқда. "Дамас" автоулови билан таъминланган тезкор тиббий ёрдам шахобчаси кеча-ю кундуз ишлаб турибди.

Таъкидлаш кераки, мазкур поликлиниканинг капитал таъмирдан сўнг ишга туширилиши "Дўстлик", "Бирлик", "Мевазор", "Пахтакор" ва "Тинчлик" маҳалаларида истиқомат қилувчи 14 мингдан ортиқ аҳоли учун ўринли совға бўлди. Энди қишлоқ аҳолиси саломатлиги ҳақида по-

ликлиникада фаолият юритаётган терапевт, жарроҳ, педиатр, гинеколог, невропатолог, стоматолог каби шифокорлар ҳамда 28 та ўрта бўғин тиббиёт ходимлари қайғуришади.

Қишлоқ аҳолисига сифатли тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини яратиш ва ундан самарали фойдаланиш асосий вазифамиздир, – дейди туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Зухра Достонова. – Жамоамиз билан фаолиятимизни янада такомиллаштирган ҳолда ёлғиз қарияларга, қаровчиси йўқларга, ногиронлиги бўлган фуқароларга кўрсатиладиган тиббий

ёрдам қўламини кенгайтириб бораверамиз. Хусусан, туманимизда биринчилардан бўлиб, велосипатнаж хизматини йўлга қўйдик. Доимий равишда ўрта бўғин тиббиёт ходимлари чекка қишлоқларда истиқомат қилувчи 1 минг 400 дан ортиқ тиббий-ижтимоий ёрдамга муҳтож фуқаролар ҳолидан хабар олиб турадилар. Туманимизда умумий ҳисобда 120 та патронаж ҳамширалари бор. Уларнинг барчаси патронаж сумкалари билан таъминланган.

Ҳамидулла УБАЙДУЛЛАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Аброр ЭСОНОВ олган суратлар

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний санъатнинг энг яхши намуналаридан баҳраманд қилиш, бўш вақтни мазмунли ташкил этиш давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббусда устувор ўрин эгаллайди.

ЁШЛАРНИ
САНЪАТГА
ОШНО ЭТИБ

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан ўғил-қизларни умумтаълим мактабларида ташкил этилган тўғараклар ва бошқа маданий тадбирларга жалб этиш бўйича "йўл харитаси" тасдиқланди.

Айни пайтда жойлардаги маданият ва санъат муассасалари ҳамда мактаб тўғараклари ишини самарали йўлга қўйиш мақсадида уларни мушқача қолғулар ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминлаш рўйхати ҳам тасдиқланди.

Шунингдек, "Ўзбекистон халқ артисти", "Ўзбекистон халқ рассоми" фахрий унвонларига эга бўлган санъаткорлар, маданият ходимлари, ижодкорлар, "Ниҳол" мукофоти совриндорлари ҳокимликларга маданият ва санъат масалалари бўйича ижодий маслаҳатчи сифатида жамоатчилик асосида бириктирилди.

Уларнинг асосий вазифаси ёшларни маданият ва санъатга кенг жалб этиш юзасидан ҳокимликларга методик, ижодий ва ташкилий жиҳатдан кўмаклашишдан иборат.

Н. УСМОНОВА,
ЎЗА

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси жамоаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси Суяроҳон Курбонкуловга волидан муҳтарамаси
МУНАВВАР аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Баракалла!

Чирчиқлик Отабек Президент совғаси совриндори

Чирчиқ шаҳридаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг 9-В синф ўқувчиси Отабек Эшпўлатов "Ёш китобхон" танловининг республика босқичида 10-14 ёшлар ўртасида 1-ўринни эгаллаб, Президент совғаси – Spark автомобили билан мукофотланди.

Ёш китобхон Отабекнинг ота-онаси ва устозларига минг раҳмат! Баракалла, Отабек!



Чоршанба ҳикмати

Ривоят қилишларича, бир подшоҳ бўлган экан. У қўшни салтанат фуқароларининг зехинини билмоқчи бўлибди ва совға тариқасида ўша мамлакат султониغا учта олтин қўғирчоқ юборибди. Ҳамма қўғирчоқларнинг ташқи кўриниши, бўйи-баста ва оғирлиги бир-бирдан ҳеч фарқ қилмас экан. Аммо подшоҳ, бу қўғирчоқлар бир хил бўлса ҳам, уларнинг нархи ҳар хил, бири арзон, иккинчиси қиммат, учинчиси ундан ҳам қиммат, шуни ҳал қилиб беришса, деб тайинлаб юборибди.

Совгадан қўшни мамлакат султониининг боши осмонга етибди ва сарой аҳлини йиғиб, қўғирчоқларнинг бири иккинчисидан нимаси билан фарқ қилишини аниқлаб беришлар, деб буюрибди. Сарой аҳли учала қўғирчоқни бир-бир қўлга олиб кўриб чиқибдию, уларда ҳеч қандай фарқ йўқ, деган қарорга келибди.

Арзимаган айби учун зиндонга ташланган бир ёш камбағал йигит бу хабарни эшитиб, қўғирчоқларни

қўрмоқчи эканлигини султonga етказишни илтимос қилибди. "Агарда жумбоқни ечсам, мени зиндондан озод қилсалар бўлгани", – дебди у.

Султон йигитни саройга

Шунда у бир бугдой поясини олибди-да, қўғирчоқлардан бирининг қулоғига тикибди, поянинг бир учи унинг оғзидан чиқибди. Сўнг пояни иккинчи қўғирчоқнинг қулоғига тиккан экан, поянинг учи нариги қулоғидан чиқибди. Пояни учинчи қўғирчоқнинг қуло-

ЖУМБОҚ



олиб келишни буюрибди. Қўғирчоқларни олиб келиб, унинг олдида қўйишибди.

Йигитча қўғирчоқларни диққат билан кўздан кечирибди ва учаласининг ҳам қулоғи ичида тешикчалар борлигини пайқабди.

ғига тиккан экан, поя унинг қорнига тушиб кетибди.

Шунда йигит султonga қараб, одоб билан дебди: – Ҳазрати олийлари, бу қўғирчоқларда инсонларга хос одатлар мавжуддир. Мана бу биринчи қўғирчоқ,

эшитганларини дарров ҳаммага гапириб берадиган одамлар тимсолидир. Бундай одамга ишониб бўлмайди. Шунинг учун бу қўғирчоқнинг баҳоси қиммат эмас. Иккинчи қўғирчоқ эса, ҳамма гапни бир қулоғи билан эшитиб, иккинчисидан чиқариб юборадиган одамлар раъзи. Бундай одам беғам бўлиб, у биронинг гапига қулоқ ҳам солмайди, маслаҳатига ҳам қирмайди. Учинчи қўғирчоқ эса худди "туя кўрдингми, йўқ" қабилида юрадиган, эшитган гапни ичига ютиб кетадиганлар тимсоли. Бундай одамлар вазмин, мулоҳазали бўлиб, уларга ишонса бўлади. Шунинг учун ҳам унинг баҳоси ҳаммасидан юқори туради.

Йигитнинг гапларини эшитсан султон ўзида йўқ хурсанд бўлибди. Сарой аҳли уни олқишлаб, иззатикром қилибди. Шундан сўнг Султон ҳар бир қўғирчоққа ўз баҳосини ёздирибди-да, унга совға қилиб юборган подшоҳга қайтариб юборибди. Йигитчани эса зиндондан озод қилиб, саройга хизматга олибди.

Ҳинд халқ эртақларидан



Бизга ёздилар

КАСБИНГИЗДАН
БАРАКА ТОПИНГ...

Оққўргон тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасининг стоматология бўлими ходимлари тумanning 103 минг нафардан зиёд аҳолисига хизмат кўрсатишади.

Улар сафида 18 нафар шифокор, 60 нафар ҳамшира ва 16 нафар техник ходим бор. Дилором Ахтимова, Ҳанифа Бойтўраева, Салима Маҳмадова ва Мавжуда Райимкулова сингари жонқуяр ходимлар жойларга чиқиб, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи, табиий тишларни қандай асраш тўғрисида профилактик суҳбатлар ташкил этиб, фуқароларни

тиббий кўрикдан ўтказишмоқда. Туман аҳолиси, айниқса, кексалар улардан миннатдор. Сабаби, тишларини текширтириб туриш учун узоқ йўл босиб, ортиқча уришга ҳолат йўқ. Шифокорлар тиббий кўрик вақтида зарур муолажаларни қилиб, кераклик маслаҳатларини беришмоқда.

Пардабой ЭРҒАШЕВ,
меҳнат фахрийси

ҲАВАС ҚИЛИНГ,
ИБРАТ ОЛИНГ!

Қизиқарли ва ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлган танловда энг намунали оилалар ғолибликка даъвогарлик қилишди. Қувонарлиси, танловда "Энг ибратли инновацион, замонавий оила" деб, Ангрен шаҳридан Гулнора ва Аъзамжон Исмоиловлар оиласи биринчи ўринга муносиб кўрилди. Самарқанд вилоятидан Хусниддин Норматов ва Абад Тожиёвалар оиласи 2-ўрин, Тошкент шаҳридан Матлуба ва Акмал Ражабовлар оиласи эса 3-ўринни эгаллашди.

Салкам 20 йилдан буён тинч-тотув ва бахтли ҳаёт кечираётган Исмоиловлар оиласи бошлиғи маҳаллада фаол, ободонлаштириш ишларида доимо ташкилотчи. Кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга кўмаклашади. Ибратли оилада 4 нафар фарзанд тарбияланмоқда. Ота-оналаридан ибрат олган фарзандлар мактабда аъло баҳоларга ўқиш билан бирга фан ва спорт тўғрисидаги мунтазам қатнашади. Жумладан, "Энг ёш ки-

тобхон", "Чет тилида энг яхши видеоролик" танлови ғолиблири бўлишган, ўсмирлар ўртасидаги футбол мусобақаларида иштирок этиб, тақдирланишган. Оиладаги мўъжазгина кутубхонада мингга яқин китоблари бор.

Оилада, энг муҳими, ўзаро меҳр-оқибат, бир-бирини тушуниш ва қўллаб-қувватлашдир, – дейди Аъзамжон Исмоилов. – Албатта, маънавиятни юксалтириш ва китобга ошно бўлиш ҳам ўзининг бўлган ишончини оширади. Мазкур кўрик-танловда иштирок этиш жараёнида оиламиз билан бунга яна бир бор амин бўлдик. Ибратли ва бахтиёр оилалар сафи кенгайверсин.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази директори Д. Тошмухамедова қатнашди.

К. САЛОМОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири

Интилиш

Талабаларга
сайёр дарс

Тошкент давлат аграр университети "Ипакчилик ва тутчилик" факультети талабалари учун "Бекобод Равнак Силк Кластер" қўшма корхонасида сайёр дарс ўтказилди.



Бунда талабалар қўшма корхона фаолияти, озуқа берувчи интенсив тутзорларни ташкил этиш, парваришлаш агротехникаси, ҳосилдан қолган тутларни пайвандлаш, ёшартириш ва пилладан ипак толаси олиш, газлама ҳолатига келтириш, стандарт асосида экспортга тайёрлаш ва пилладан турли хилдаги рақобатбардош маҳсулотларни тайёрлашда амалга оширилаётган инновацион жараёнлар билан танишдилар.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз:
111500, Нурафшон шаҳри,
Тошкент йўли кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги
офисимиз:
100000, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Телефонлар:
(71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)
(71) 233-70-10
(71) 233-90-82
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08
(71) 233-65-59, (71) 233-54-10
Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари:
Эълолар ва ҳисоб-китоб бўлими:
Электрон почта: toshkenthqiqati@uamail.uz /// th-tp@inbox.ru

Тошкент вилояти
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар бошқармасида
2011 йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер марказида
терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Қумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусоҳҳиҳ
Алшома АЗИЗОВА
Навбатчи
Мирзоил АБДУЛЛАЕВ